

УДК: 531:55:631:18

**КУЗГИ БУҒДОЙ ВА ОРАЛИҚ МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИ ҚИСҚА
НАВБАТЛАБ ЭКИШДА ҒЎЗАНИНГ ВИЛТ КАСАЛИГА ТАЪСИРИ****М.Таджиев****К.М.Таджиев***Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти*

Ғўза касалликлари, ҳашоратлари ва бегона ўтлар пахта ҳосилдорлигига ривожланган мамлакатларда 20-30 фоиз, кам ривожланган давлатларда 40-50 фоизгача зарар келтириши расмий маълумотлардан расмий маълумотлардан маълум. Ғўзанинг энг хавфли касалликлари вилт, илдиз чириш, гоммоз бўлиб ҳисобланади. Ингичка толали ғўзада фузариоз вилти, гоммоз, қора илдиз чириш, илдиз чириш, макроспориоз (альтернариоз) касалликлари кўп учрайди.

Ғўза касалликлари ўсимликка кучли зарар келтириб, ҳосилни камайтиради, тола ва чигит сифатига салбий таъсир этади. Шу сабабли ғўзанинг ўтмишдошлари, такрорий мойли экинлар, кузги буғдойнинг ғўза касалликлари таъсирини ўрганишни асосий мақсад қилиб қўйдик.

Ватанимиз ва хорижий давлатлар олимлари ғўза касалликларини камайтириш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказишганлар.

Р.Теллаев [5. -Б.10-15;], М.Таджиев [4. -Б.364] таъкидлашicha ғўза-беда алмашлаб экиш тизимлари ғўзани вилт касаллигини сезиларли даражада камайтиришини аниқлашганлар.

З.С.Турсунходжаев, А.Н.Болкунов [7.–С.143], Н.Ў.Ўразматов [9.–С.55] Р.О.Орипов [2. 35 стр.], М.Таджиев [4. -Б.364], К.Қараев [1. 35 стр] ғўзани вилткасаллигини олдини олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари ўтказишиб муҳим хулосаларни қилишганлар.

З.С.Турсунходжаев, М.А.Сорокин, Л.А.Торопкина [8. –С.40-50] фикрича алмашлаб экиш тизимлари, маҳаллий ўғтлар ғўзани вилт билан касалланишини олдини олишини таъкидлашганлар.

Б.М.Халиков [10, -Б.100] алмашлаб экиш тизимлари ва органик ўғитлар ғўзанинг вертицеллиоз вилт билан касалланишини камайтиради.

Адабиётлардан кўриниб турибдики, ингичка толали ғўзанинг вилт касаллиги Республикамизнинг жанубий минтақасида етарли ўрганилмаган.

Ўтказилган тажрибаларда кузги буғдойдан сўнг такрорий, оралик, мойли экинларнинг ингичка толали ғўза навларига таъсири ўрганилмоқда (1-жадвал).

Тажрибада (2019 йил) назоратда ғўзани вилт билан зарарланиши шоналаш даврида 5,0% ва ўсув даври охирида 7,0%, ғўза кузги буғдойдан кейин алмашлаб экилган назорат вариантыда ғўзани шоналаш даврида 2,0 фоиз, ўсув даври охирида 3,1 фоиз ва тажриба вариантларида 1,0-1,5 фоизни ташкил этди.

2020 йил назорат даласида ғўзани вилт билан касалланиши шоналаш даврида 5,5 ва ўсув даври охирида 8,5 фоиз бўлганлиги кузатилди, ғўза кузги буғдойдан кейин алмашлаб экилган назорат вариантыда ғўзани шоналаш даврида 3,%, ғўзанинг ўсув даври охирида 4,2% ўсимликлар вилт билан касаллангани аниқланди.

1-жадвал

Кузги буғдой ва такрорий экилган мойли экинларни ғўзанинг вилт касаллигига таъсири, (2019-2020 йиллар)

Тажриба вариантлари	100 дона ўсимликда касаллангани, %			
	2019 йил		2020 йил	
	шоналашда	ўсув даври охирида	шоналашда	ўсув даври охирида
Ғўза (назорат)	5,0	7,1	5,5	8,5
Ғўза кузги буғдойдан сўнг (назорат)	2,0	3,1	3,0	4,2
Ғўза кузги буғдой + соядан сўнг	1,0	1,5	1,7	2,1
Ғўза кузги буғдой + кунгабоқардан сўнг	1,0	1,0	2,0	2,3
Ғўза кузги буғдой + кунжутдан сўнг	1,0	1,5	1,7	2,6
Ғўза кузги буғдой + ерёнқокдан сўнг	-	1,0	1,7	2,5
Ғўза кузги буғдой + махсардан сўнг	1,0	1,0	2,0	3,3

Кузги буғдойдан сўнг ҳар хил мойли экинлар экилганда ғўзанинг шоналаш даврида 1,7-2,0% ва ғўзанинг ўсув даври охирида 2,1-3,3% ўсимлик фузариоз вилт касаллиги билан касаллангани аниқланди.

Бошқа тажрибада ғўза вика, жавдар ва хашаки нўхатдан сўнг экилди (2-жадвал).

2-жадвал

Ғўзани оралиқ экинлардан сўнг экилганда ўсимликнинг фузариоз вилт билан касалланиши, % ҳисобида (2014-2015 йиллар)

Вариантлар	Биринчи тажриба		Иккинчи тажриба	
	Ғўзани фузариоз вилт билан касалланиши, %			
	13 май	27 сентябр	10 май	17 сентябр
Ғўза (назорат)	6,7	27,7	2,2	12,6
Ғўза викадан кейин экилган	3,9	18,8	1,2	6,4
Ғўза жавдардан кейин экилган	3,5	13,5	1,2	4,9

Гўза нўхатдан кейин экилган	хашаки	4,1	14,3	4,3	4,8
--------------------------------	--------	-----	------	-----	-----

Ушбу тажрибада 2014-2015 йилларда биринчи тажрибада назорат даласида гўзанинг назорат даласида 6,7% ва гўзанинг ўсув даврида 27,7%, викадан кейин гўза экилганда ўсув даврига мос ҳолда 3,9% ва 18,8%, гўза жавдардан кейин экилганда 3,5 ва 13,5%, гўза хашаки нўхатдан кейин экилганда гўзанинг ривожланиш фазаларига кўра 4,1 ва 14,3% ўсимлик вилт билан касаллангани аниқланди. Иккинчи тажрибани назорат вариантда 2,2 ва 12,6%, гўза вика (бурчок) экинидан кейин 1,2 ва 6,4 %, гўза жавдардан кейин 1,2 ва 4,9% ва гўза хашаки нўхатдан кейин экилганда 4,3-4,8% ўсимлик фузариоз вилти билан касаллангани аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда ингичка толали гўзани кузги буғдой ва такрорий, оралиқ экинлардан кейин экилганда гўза назорат варианты даласига нисбатан. Айниқса гўзанинг ўсув даври сўнггида ўсимликнинг вилт касали билан зарарланишини кучайиши аниқланди. Ингичка толали гўза навларида вилт билан касалланиш зарарини камайтириш мақсадида қисқа муддатли оралиқ экинлар ва кузги буғдой алмашлаб экишни амалга ошириш юқори самара бериши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Караев К. “Ингичка толали гўзанинг фузариоз вилт касаллигини тарқалишини олдини олиш”. Автореферат к.с.х.н., Ташкент. 1965, -С.35
2. Орипов Р.О. “Зимные и промежуточные культуры в земледелии Узбекистана и их влияние на плодородие почвы, урожайность хлопчатника и других культур”. Автореферат д.с.х.н, Омск, 1983, 35 стр.
3. Таджиев М. “Научные основы хлопковых севооборотов в зоне возделывания тонковолокнистого хлопчатника Узбекистана”/ Ташкент, 1992. 50-65 стр.
4. Таджиев М. Монография: “Ўзбекистоннинг; жанубий сахро минтақаси, экстремал-иклим шароитида тупроқ унумдорлиги, гўза, кузги буғдой ҳосилдорлигини ошириш ва ем-хашак базасини яратишнинг илмий асослари/ Қарши, “Насаф” нашриёти. 2015, Б.364. 106 нусхада
5. Тиллаев Р. Алмашлаб экишнинг аҳволи ва уни мукаммаллаштириш тамойиллари. Фарғона. 1995, -Б 10-15
6. Турсунходжаев З.С. “Научные основы севооборота на землях голодной степи”/ Ташкент, “Мехнат”, 1972. 40-85 стр.
7. Турсунходжаев З.С., Болқунов А.С. “Научные основы хлопковых севооборотов” / Ташкент, “Мехнат”, 1987. –С.143

8. Турсунходжаев З.С., Сорокин М.А., Торопкина М.А. “Производительная способность сероземов в севообороте и при монокультуре хлопчатника”/ Ташкент, 1977. –С.40-50

9. Ўразметов Н.У. “Воспроизводство плодородия почв в Ферганской хлопковой зоны Узбекистана”/ Ташкент, 1991. –С.55

10. Холиков Б.М. Янги алмашлаб экиш тизимлари ва тупрок унумдорлиги. Монография. Тошкент, 2010. -Б.100

11. Nishonboyev, A., Tukhtasinov, T., & Ro'zikov, M. (2023). WAYS TO FORM INDEPENDENT THINKING OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING MATHEMATICS. *International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research*, 3(3), 49-51.

12. Nishonboyev, A., Tukhtasinov, T., & Ro'zikov, M. (2023). WAYS TO FORM INDEPENDENT THINKING OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING MATHEMATICS. *International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research*, 3(3), 49-51.

13. Nishonboyev, A., Tukhtasinov, T., & Ro'zikov, M. (2023). WAYS TO FORM INDEPENDENT THINKING OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING MATHEMATICS. *International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research*, 3(3), 49-51.

14. Nishonboyev, A., Tukhtasinov, T., & Ro'zikov, M. (2023). WAYS TO FORM INDEPENDENT THINKING OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING MATHEMATICS. *International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research*, 3(3), 49-51.

15. Nishonboyev, A., Tukhtasinov, T., & Ro'zikov, M. (2023). WAYS TO FORM INDEPENDENT THINKING OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING MATHEMATICS. *International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research*, 3(3), 49-51.